

# Ўн саккизга кирмаган ким бор?

● ЎЛИМГА БОШЛАГАН МУҲАББАТ.
● МЕНИ СЕВАСАНМИ?
● У ДУНЁДАН ХАТ КЕЛДИ.

## «ТУЙҒУЛАР ОДАМНИ АЛДАМАС»

I.

— У сени севадими?

— Йўқ.

— Бунинг учун нима қилишинг керак?

— Ҳеч нима. Фақат севаман.

— У турмушга чиқаётган экан-ку, наҳотки...

— Нима наҳотки?! Севмаганидан кейин турмушга чиқаверади-да.

— Шундан кейин ҳам ...

— Илтимос, мени қийнама!

Шу суҳбатимиздан кейин кўп ўтмай дўстим Д. ўз жонига қасд қилди. Мен бу хабарни эшитиб, етиб борганимда уни томдан олиб тушишаётган экан. Бечоранинг бўйни кўкариб кетибди. Мен сизга у ердаги додфарёдни айтиб беролмайман, бу жуда оғир.

Жанозадан қайтаётиб, бир кўнглим: «Наҳотки, инсон шу даражага бориб етса. Бу ғирт аҳмоқлик, ё иродасизлик. Шу арзимаган нарсани енгиб ўтолмаган йигит, йигитми?» — дейди. Бир кўнглим эса: «Бу энг яхши ва олижаноб йўл. Қани менда ҳам шундай қалб бўлса. О! Дўстим қабрингда тинч ётгин! Мен сени йўқлайман. Мен сен томонда», дейди. Аросатда қаерга боришимни билмай, ўша ерда — ёшлигимизда кўп чўмилган ариқ ёқасида туриб қолдим...

Мактабни битираётганимизда худди шу мавзуда синф раҳбаримиз баҳс уюштирган эди.

— Мана бу мақолани ҳаммангиз ўқимаган бўлсангиз ҳам, эшитгандирсиз? Бу севишганлар ҳам худди Тоҳир ва Зуҳрадек бир кунда қазо қилишган. Лекин шуниси борки, булар ўзларини ўзлари ўлдиришган. Менинг назаримда улар нотўғри қилишган. Ахир нималарга чора топилмайди. Бу ҳақда сизларнинг фикрингиз қандай?

Шунда мен куйиниб, узоқ гапириб:

— Уларни туйғулари алдаган, — деган хулосага келганимда, унча-мунчага гапиравермайдиган Д. бир оғиз гап айтган эди:

— Бундай туйғулар одамни ҳеч қачон алдамайди,

II.

Д. ҳикоялар ёзиб турарди. Унинг бир ҳикоясида шундай жумлалар бор эди:

«У билан Шоҳиданинг тўйидан қайтаяпмиз. Мен сархушман. Осмон тиниқ, ҳар замонда майин шабада сочларимизни силаб ўтади. Мен олдимдан чиққан тошларни тепиб, унга ҳазил-ҳузил қилиб боряпман:

— Мени севасанми?

— Шунақа савол ҳам бўладими?

У менга шундай деганидан сўнг шоирлигим тутиб:

— О, азизим, сени севаман! Менга ҳамма нарса бегона бўлиб боряпти. Юрагимдаги ўт тобора қаттиқ ёнмоқда. Сени севаман, севаман! — дедим. Шунда у бирдан маъюс тортиб, ўйланиб қолди. Ва:

— Мени эрга беришяпти, — деди оҳистагина. Бу гапга ҳам ишониб, ҳам ишонолмай гарангсиб, олдимдан чиққан навбатдаги тошни тепмай, босиб ўтдим».

III.

Сиз ҳаётда кимнидир севасиз, кимдандир нафратланасиз. Бунга атрофингиздаги одамларнинг ўзи мажбур қилади. Худди мана шу севги ва нафратнинг алангаланиши Д.ни ҳалок қилди. Ҳақиқатда Н. уни севмасди. У шуни билганидан сўнг, қандайдир туйғу уни ўз бағрига олди. Сиз ўйлаяпсизки. Д. жинни экан. Йўқ, унинг ўша пайтдаги ҳолатини тасаввур қила оласизми?

Мен яна бир севишганларни биламан. Қайси куни уларга шу воқеани айтиб берганимда: «У боланинг эси йўқ, аҳмоқ экан» — дейишди. Уларга ҳеч нима демадим, чунки улар «эслик» эдилар.

IV

Икки ҳафтадан сўнг, менинг номимга хат келди. Очиб ўқидим, Д.нинг сўнгги мактуби экан:

«Дўстим, мен дунёга келиб, кўп нарсани топдим. Ва шу топиш жараёнида яна кўп нарсани йўқотганимни энди англаб етдим.

Менинг ўлимим яқинларимга жуда оғир бўлади, албатта. Сенга ишонаман уларни тинчлантир. О! Ўлим ҳозир мен учун қанчалик кераклигини билсанг эди. Одамлар мен ҳақимда турли афсоналар тўқиб, ўлимимни баҳс мавзуига айлантиришмасин. Алвидо! Ёшликдаги дўстинг Д.».

**Фурқат МЕЛИ,**
**«Туркистон» мухбири.**

**Бу дунёда-камдан кам кишилар бир-бирларини тушунадилар, деган эди Гёте. Шунинг учун ҳам одамларнинг ҳаётини турли сўқмоқ йўлларга ўхшатаман. Бу йўллар эса 18 ёшдан сўнг бошланади. Охири эса ўша биз билмаган жойга бориб тақалади.**

**Қуйида икки сўқмоқ йўлнинг эгалари — йигит ва қиз ўртасидаги суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиляпмиз.**

## «ҲАММАСИНИ ТАШЛАБ КЕТГИМ КЕЛАДИ»

ЙИГИТ: — **Сизнингча аёл кишининг эркакка муносабати қанақа бўлиши керак?**

ҚИЗ: — Менинг назаримда муомала ўз-ўзидан самимий бўлмоғи лозим. Бу пайтда аёллигингизни унутмасангиз бўлди. Шахсан мен учун эркак киши билан гаплашаётиб, ўзимнинг аёл эканлигимни сезиб туришим жуда ёқимли.

— **Аёл киши учун бахт эркак кишига нисбатан бошқача маъно касб этадими?**

— Қачонлардир бир донишманднинг бахт ҳақидаги фикрини ўқигандим. У тахминан шундай фикрни англатарди. «Аёл кишининг бахти бу — эркак ўзини бахтиёр ҳис этиши, эркак кишиники эса аёл билан ўзини бахтиёр ҳис этиши» экан. Қисқа қилиб айтганда, севган кишисини бахтиёр қилиш аёл учун бахт экан. Бу ҳақиқатми, йўқми, барибир шунга ишонгим келади.

— **Истасангиз мени ҳам бахтиёр қилишингиз мумкинми?**

— Бунинг учун ўртада кўнгил бўлиши керак.

— **Севги руҳий эҳтиёжми ёки жисмоний?**

— Агар у бошқача эҳтиёж бўлганида, узундан узоқ шеърлар ёзилмас эди, деб ўйлайман. Лекин шуниси борки, руҳий эҳиёжнинг ўзи билан яшаш жуда қийин. Эҳтимол икки тоифадаги севги бордир, бири ақлий, бири руҳий. Аслида севги дегани камдан-кам учрайдиган нарса.

— **Севганмисиз?**

— Бир вақтлар севгандим, энди ўзимга кулгили туюлади. Балки бутун умр севиб яшашга қудратим етмагандир. Ожиз одамларнинг севиши ҳам ожиз бўлса керак, деб ўйлайман. Бу менинг шахсий фикрим албатта.

— **Ҳаётни қанақа қилиб кечириш керак? Кимдир бу ҳақда ўйлаб, унга замин ҳозирлайди. Кимдир эса умуман бош қотирмай таваккал қилишни хуш кўради.**

— Мен замин ҳозирлаш учун ҳеч қачон ҳаракат қилмаганман. Лекин кўпроқ қўрққаним, ҳаётимдаги оддий кундалик ҳолатларнинг бирин-кетин қайтарилиши бўлмоқда.

— **Инсон табиатида бирбирига ўхшашлик ниҳоятда кўп учрайди, бир хил индамаслар, бир хил сўзамоллар. Ҳатто одамларни бир неча маълум тоифага бўлиб қўйиш мумкин. Сизга қанақа эркаклар ёқади.**

— Аёл кишини ҳеч нарса, деб қарайдиган эркакларни ёқтирмайман. Эркак аёлга нисбатан ақллироқ, тажрибалироқ бўлиши керак, деб ўйлайман. Ҳар ҳолда бизни ожиза, деб бекорга айтишмаган, қачон ёнингда сен ишонадиган одам бўлса, ростдан ҳам ожиза бўлгинг келади. Мен учун энг асосийси чирой ва қадди-қомат эмас.

— **Биласизми, дунё нимaнинг устига қурилган? Ҳаётда икки нарса асосий рўлни ўйнайди, оқ ва қора, яхшилик ва ёмонлик. Мен ёмон, бузуқ одам деганимиз билан суҳбатлашиб: «Нима учун яхши, бинойидек инсон бўлиб юришга ҳаракат қилмайсиз?» деб сўраганимда у шундай жавоб берганди: «Мен ёмон бўлмасам, яхшининг мавқеи қандай бўларкан? Ҳар бир нарсанинг юзага чиқиши учун унга қаршилик бўлиши керак».**

— Менам бунга қўшиламан. Шуни кўп ўйласам, ғалати бир ҳолатга тушиб қоламан, кейин ҳаммасини ташлаб кетгим келади. Лекин қаёққалигини билмайман.

**Суҳбатни Абдумалик БОБОЕВ ёзиб олди.**





Умрнинг бу фаслида инсон вужудида ўзгача тўлқинлар пайдо бўлади. Бу тўлқинлар гирдобларга ҳам, ширин азобларга ҳам айланиши мумкин.

## «Соддалигимдан уяламан»

Ўз соддалигидан хижолат тортадиган болакайни биринчи кўришим. Шерзод ўша гапни айтганда қизариб кетди. Юзига балоғат ҳусунбузари тошган боланинг суҳбати сизларни ҳам қизиқтириши табиий. Шерзод Давронов Навоий шаҳридаги Нодира номли мактабнинг 10-синфида ўқийди. Яхшигина қўшиқ айтади. Мактабдаги турли тадбирларда, байрам кечаларида қўшиқ куйлаб, устозларини ҳам, тенгдошларини ҳам хурсанд қилишни яхши кўради.

Шерзод қўшиқни ота-онасини, устозларини севинтириш, уларга яхши кайфият бағишлаш учун айтар экан. У учун қўшиқ — эҳтиёж. Кўнгилнинг эҳтиёжи. Қўшиқ айтишга туғиладиган заруратнинг сабаблари турлича бўлиши мумкин. Оддий гулга қараб туриб ҳам куйлагинг келади. Баъзида ҳеч бир сабабсиз.

Тунов куни қўлига «Ўн олти баҳор» деган шеър тушиб қолди. Бир ўқишда ёқтирди. Ахир ҳадемай ўзи ҳам ўн олтига киради. Қўшиқ сўзларини гўё кимдир қўлига тутқазгандай бўлди. Кечгача шеър сатрлари хаёлида такрорланиб юрди. Қарасаки, миясида барча сўзлар муҳрланиб қолибди. Қулоқлари тагида майин куй оҳанглари жаранглаб-жаранглаб кетаётгандай бўлаверди.

Стол устида турган қаламларини олиб хаёлида жонланаётган тасвирни чизмоқчи бўлди. Бўлмади. Магнитафонни қўйди. Шунда ўз-ўзидан куйлагиси келди. Тилига бояги шеърдаги сатрлар қўшиқ бўлиб келаверди.

«Ўн олти баҳор» шеърига куй басталашда муаллими Ғулом Рўзиев ёрдамлашди. Шундай қилиб, қўшиқ «туғилди».

— Шерзод, қандай қўшиқларни хуш кўрасан?

— Албатта эстрада қўшиқларини ёқтираман. Муҳриддин Ҳолиқов, Равшан Комиловларнинг қўшиқларини жон-дилим билан тинглайман.

— Нима учун фақат ўшаларникини?

— Улар кўпроқ севги ҳақида айтишади-да.

— Гапларингдан, қизларни ёқтирасан шекилли?

— Қизларни ёқтираман. Лекин севмайман.

— Нимага?

— Мени ёшимда севги кўп нарсаларга халақит беради. Дўстлашишим мумкин.

— Ўзингнинг қайси характерингни ёқтирмайсан?

— Соддалигимдан уяламан. Бу баъзида яхши, баъзида ёмон.

— Қандай инсон бўлгинг келади бўлмаса?

— Билимли. Ҳамма фанларни яхши ўзлаштирсам дейман. Икки марта касал бўлиб, орқада қолиб кетдим. Бу мени қийнаяпти.

— Тенгдошларингни ҳурмат қиласанми?

— Уларни хушмуомала, бир-бирлари билан дўстона муносабатда бўлишларини истайман. Уларнинг бирбирларига бақириб гапирганларини ёқтирмайман.

— Мактабда зерикмайсанми?

— Йўқ, чин дилдан бораман мактабга. Менга ёқади. Ахир ёш ўтгандан кейин истасанг-да бундай имконият бўлмаслигини биламан-да.

— Расм чизишни, қўшиқ айтишни яхши кўраркансан. Нима, келажакда санъаткор бўлмоқчимисан?

— Йўқ. Иқтисодчи бўлмоқчиман. Математика, физика — аниқ фанларни яхши кўраман. Қўшиқ айтишни ҳам ташламайман. Биласизми, менга касби бошқа бўлиб, қўшиқ айтадиганлар жуда ёқади. Мен ҳам ўшалардай бўлсам дейман. Оилавий, дўстлар даврасида, йиллаб кўришмаганлар ўтирганларида ўз қўшиғингиз билан хурсанд этсангиз, қандай яхши.

— Бу фикрингдан ота-онанг ҳам хабардордир?

— Дадам санъатга қизиқтирадилар. Лекин келажакда иқтисодчи бўлишимни биладилар. Фикримни қувватлаганлар. Мен қолаверса, ота-онамни хурсанд этиш учун ҳам куйлайман. Мен учун уларни хурсанд қилишдан ҳам ортиқ бахт йўқ.

— Қўшиқларингни кимлар эшитишини истайсан?

— Барча ота-оналар. Яхши одамлар.

**Гули ЧЕҲРА.**
**«Туркистон» мухбири.**






## Кўнгил нималарни истамайди?

**(ҚЎШНИ ҚИЗГА АЙТОЛМАГАНЛАРИМ)**

Қўшни қиз, сени ёшгина, аҳмоқлик қиляпти дейинми-а. Ҳамма нарсага тушунади, ўзининг қарашларига эга дейинми ё? Нимага сен онангнинг кўз ёшларини кўриб туриб, мийиғида кулдинг. «Опажон, онам ҳеч нимани тушунмайди, тушунса-да, тушунишни истамайди» деган гапларингни унга қандай айта оламан.

Кирсам, онанг кўз ёшларини тўкиб, олиб келган нарсаларингни ғижимлаб ўтирибди.

— Мана бунга қарагин-а, буларни мен олиб беришга қурбим етмас экан. У эса бундай кийимларни кийишни истайди.

Онангнинг қўлида турли хилдаги замонавий, ажнабий кўйлак ва шим, пайпоқ ва алланарсалар.

— Қизим мендан ҳам, ўз онасидан ҳам ўша аммасини, унга кийим олиб берадиган аммасини яхши кўради. Тез-тез уникида қолиб кетадиган қилиқ чиқарди. Бир куни борсам нима қиляпти дегин-а... Уйларини худди хизматкорлардай тозалаб юрибди.

— Ёрдам бергандир-да.

— Ахир уйда, гарчи мен бемор бўлиб ётганимда ҳам, илтимос қилганимда ҳам бу ишларни қилмайди-ку. Биламан, у яхши кийиниш учун кимларгадир хизматкор бўлишдан ҳам қочмайди.

— Ёрдам берса ўзининг аммаси-ку.

— Кеча нима деганидан хабаринг йўқ-да. «Нима қилай, ота-онам мен истаган нарсаларни олиб беришга қурбилари етмас экан, олиб берадиганларнинг юмушини қилиб юраверaман» деди-я.

Бу гапларни шунчаки эшитиш мушкул. Наҳотки, кийим-кечак деб ўз ота-онасини шунчалик қадрини ерга урса? Ахир улар кам маошли ишда ишлашса бу уларнинг айби эмас-ку. Аммаси каби бирни ўнга сотишмабди, шаҳарма-шаҳар юриб савдогарчилик қилишмабди.

— Сиз ҳозирги ёшларни билмайсиз-да, ҳалиям мен борига чидайман, — деганди бир куни қўшни қиз.

Буни ёшлик қизиқиши деб ўйлагандим.

Яхши еб-ичиш, кийинишни кўнгил истайди. Лекин имкониятингга қараб-да. Ўз қадрингни ерга уриб, кимларнингдир уйини тозалаб, эвазига нима берaркин деб қўлига термулиб ўтиришни ёшгина юрак ўзига эп кўрадиган пайт келдими-а?

Онанинг кўз ёшлари эвазига кўчада ҳурлиқо бўлиб юрган қизлар фақат қўшни қизгинами? Отасининг оддий ишчилигидан орланадиган фарзандлардан келажакда меҳр-шафқат кутиш ўринлимикан?

Бир куни автобусда бир аёлни кўриб қолгандим. Орқасидан, рўмол ўрашидан, гапиришидан, ҳаракатларидан у жуда-жуда онамга ўхшарди. Юрагим ҳаприқиб кетганди ўшанда. Ўша аёлнинг менга бир боқишини, кўзларига тикилиб қарашни истагандим. Ўша он рўй берса бағрига бош қўйишга тайёр эдим. Лекин... қараганда билдимки, ҳар кимнинг ўз онаси танҳо бўларкан! Кўзлари, боқишлари... Ҳали онаизорнинг боқишларини ажратмай туриб, меҳрига қонмай туриб, ундан ажралган бўлсанг-да, барибир бошқаларни унга ўхшатолмас экансан.

Қўшни қиз, сен «ишлаб» топган кийимларинг ва бу учун онангнинг тўккан кўз ёшлари бир кун келиб афсусланишга сабаб бўлар. Ахир кўнгил нималарни истамайди, бу кўнгилга нелар келмайди. Ахир кўнгил айтганларини бажараман десанг...

Қўшни қиз, ажнабий кийимларнинг қули бўлиб қолганингни ўзинг сезасанми? Бу «қуллик занжири» сени қачон қўйиб юборади? Соддагина қизалоқлигингдан осонгина кечдингми?

Мана шу гапларимни ўқиганда, қилмишингни ошкор қилганим учун мендан ранжисанг ҳам майли. Мен бир нарсадан — латта-кийимларни деб ота-онангдан, уларнинг меҳридан бевақт ажралиб қолишингдан қўрқаман.

**Г. АЛИБОЕВА.**

## ОҚ ИЛОН

**Ҳой оқ илон, оппоқ илон,**
**Тишингдаги заҳарму?**
**Қон йиғладим мен ёмон.**
**Куйдирганинг саҳарму?**
**Зулфия МЎМИНОВА.**

— Виш-виш. Мен келдим, бахт келтирдим, кўзингни оч ғафлат бандаси виш... Қара соҳибжамолман. Оқ илонман, оппоқ илон вишш... Тур. Турақол, Вишш кел... кел... кел...

Ҳар тун аҳвол шу. Армон ва Оқлик орасида бирор даҳшатли ҳодиса юз бермасин, деб юрак ҳовучлайман. Тун қора пардасини тортди дегунча, шифтда оқ илон пайдо бўлади.

У гоҳ бешик тебратаётган жувонга, гоҳида чиройли Санамга, гоҳ эса мажнунтол тагида маҳзун ўлтирган дилдорга ўхшайди. У бахт ваъда қилади. Кўзимни очиб, шифтдан менга термулаётган илонга қарашга қўрқаман.

Ёшлигимдан эшитганим бир зум бўлса-да, хотиримни тарк этмайди: «Илон одамни авраб чақиради, қараганнинг етти пушти куйиб кетади. Оғзи қийшиқ бўлиб қолади».

У мен севган маҳзун қўшиқни куйлайди:

**Мажнунтолдек**
**бошгинангни эгмагил,**
**жоним,**
**Кўзларингдан ёшгинангни**
**тўкмагил, жоним.**
**Энди қайта учрашмасмиз**
**кутмагил, жоним,**
**Нурли-нурли нурга**
**чўмган бир хаёл бўл.**
**Ўз ёрига садоқатли бир**
**аёл бўл.**

— Йиғлаяпсанми?

— Йўқ.

— Ёноғингга тўкилаётган нима?

— Шўр, талх сув.

— Унда нега кўзингни очмайсан?

— Ухлаяпман.

— Бўлмаса нега йиғлаяпсан?

— ...

— Кел, яхшиси сенга шеър ўқиб бераман?

— Нима ҳақда?

— Эшит.

**Севгилим, севмадинг**
**нени кўзладинг?**
**Мендан бошқасини бунча**
**изладинг?**

— Бўлди бас! Тинч қўй мени оқ илон, тинч қўй!..

Сўзларим оғир ботди шекилли, у виш-вишлаганича кетиб қолди.

Мана бугун учинчи тун у йўқ. Оқ илон келмай қўйди. Уйга кираман, ташқари чиқаман. Ёлғизлик жон-жонимдан ўтиб бормоқда. Тор рутубатли хона ютиб юбормоқчи бўлади. Энди сезаяпман унга ўрганиб қолганимни. Усиз ғариб кўнглим баттар эзилмоқда.

Дунёим зимистон ичра қолган. Тезроқ кела қолсайди. Оқ илон, оппоқ илон қаердасан? Оқ ило-о-он, ке-е-елл!..

Ёзув столим устидаги оқ қоғозга унинг суратини чизишга уринаяпман. Тун бўйи қилган меҳнатим бекор. Қийшиқ қийшиқ чизиқлар... аламдан ихраб юбордим. Болишни бағримга босган кўйи йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолибман. Алаҳсираб уйғонганимда оқ илон шифтда жилмайиб турган экан. Сўзга жуфтланган лабларимдан ёқимсиз овоз чиқди. Ўзимдан ўзим нафратланиб кетдим.

— Бўлди хафа бўлма, энди ташлаб кетмайман. Сенинг хафа бўлишингни билардим, шунинг учун ҳам қайтиб келдим.

Оқ илон мен тасаввур қилганчалик қўрқинчли эмас, аксинча ОППОҚ тангачали тўни ўзига ярашиб туради. Шифтдан маъюс термулиб турадиган оқ илон бирор иш бошлашим билан ёнимга тушиб олар, бешигини тебратган кўйи дилни ўртовчи маҳзун алласини бошлар эди.

Бир куни дилимдаги гапни тилимга чиқардим:

— Оқ илон, кел, яхшиси сени бирор исм билан атай.

— Қанақа исм?

— Лобарми, Лайломи, Шаҳло? Дилдор ёки Дилфуза?

— Лобар деб атай қол.

Мен шод эдим, уни илон деб эмас, Лобар деб чақираётганимдан.

— Лобар, муҳаббат нима? Илонлар ҳам севишадими?

— Аслида, биз илонлар жуфт бўлиб яшашга, жуфтимиз учун қасос олишга одатланганмиз. Шуни муҳаббат, десанг ихтиёринг.

— Лобар бахт нима? Бахтли одамлар ким?

— Бахт... Бахтли одам. Бахтли одамлар ичида, ўз бахтсизлигини тан олиб яшаган инсон Бахтли ҳисобланади.

У яна бешик тебратишда давом этади. Мен зимдан уни кузата бошлайман. Во дариғ... во дариғ жисмим олов бўлиб ёна бошлайди. Наҳотки? Наҳотки у илон... Бешик тебратаётган оқ илон йигирма баҳорим АРМОНИГА айланган Лобар бўлса?.. У ...у бўлиши мумкин эмас!.. Кўзим тиниб, ер чирпирак бўлиб айлана бошлайди. Деворлар рақсга туша бошлайди. Дунёи дунимни қора қилиб бир исм айланади. Оқ илон, оппоқ илон, наҳотки у? Бўлиши мумкин эмас. Кўзимдан ҳадик пардасини йиртиб ташлаб, унга қарайман, у йўқ. Оқ илон йўқ. Ҳайқиргим, Лобар, деб ҳайқиргим келади. ЛООБ-БАААР Тўрт девор ичидан оқ илонни қидираман. Шифтданми, девор ортиданми, вишиллаган овоз келади:

— Мен бахт келтирдим, ғафлат бандаси, кўзингни оч. Бахт келтирдим.

БАХТ... БАХТ... БАХТ..

**Иброҳим БАРОТ.**

